



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ–5245-сон “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон “Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2017 йил 1 декабрдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил 23 сентябрдаги 7, 30-к/к ва 72-сон “Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 2827, 2016 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2016 й., 39-сон, 466-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иновацион ривожланиш вазирлиги



И. Абдурахманов

Тошкент ш.,  
2018 йил "12" 02 ,  
2 -сон

Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазирлиги



А. Хаитов

Тошкент ш.,  
2018 йил "12" 02 ,  
5-6 -сон

Молия вазирлиги



Д. Қужаров

Тошкент ш.,  
2018 йил "12" 02 ,  
19 -сон

Ўзбекистон Республикаси  
Инновацион ривожланиш вазирлиги,  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирлиги ва Молия вазирлигининг  
2018 йил "12" феврал даги  
2, 5-б, 19 -сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан  
тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар  
ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда  
катнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг  
базавий лавозим маошлари  
МИҚДОРЛАРИ**

| Т/р | Лавозимларнинг номи  | Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм |
|-----|--|---|
| 1.  | <b>Институт директори</b>  |   |
|     | профессор  | 2 662 535                                 |
|     | фан доктори  | 2 554 364                                 |
|     | фан номзоди  | 2 446 785                                 |
| 2.  | <b>Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори</b> |   |
|     | профессор  | 2 446 785                                 |
|     | фан доктори  | 2 359 853                                 |
|     | фан номзоди  | 2 254 278                                 |
| 3.  | <b>Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири</b>                               |   |
|     | фан доктори ёки профессор  | 2 359 853                                 |
|     | катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди   | 2 254 278                                 |
|     | илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди   | 2 167 935                                 |
| 4.  | <b>Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари</b>                         |   |
|     | фан доктори ёки профессор  | 2 254 278                                 |
|     | катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди   | 2 167 935                                 |
|     | илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди   | 2 081 104                                 |
| 5.  | <b>Бош илмий ходим</b>   |   |
|     | профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори  | 2 254 278                                 |
|     | катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори   | 2 167 935                                 |
|     | илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори   | 2 081 104                                 |
| 6.  | <b>Етакчи илмий ходим</b>  |   |
|     | илмий унвонга эга бўлган фан доктори   | 2 167 935                                 |
|     | илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори   | 2 081 104                                 |
|     | илмий унвонга эга бўлган фан номзоди   | 1 978 397                                 |



|    |   |           |
|----|---|-----------|
|    | <b>Катга илмий ходим</b>  |           |
| 7. | илмий унвонга эга бўлган фан номзоди  | 1 978 397 |
|    | илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди  | 1 876 860 |
|    | илмий даражага эга бўлмаган   | 1 777 584 |
|    | <b>Кичик илмий ходим</b>  |           |
| 8. | фан номзоди   | 1 876 860 |
|    | илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган) | 1 777 584 |
|    | илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)      | 1 679 133 |
| 9. | <b>Тажриба орттирувчи тадқиқотчи</b>  | 1 481 517 |

